



## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЕКТЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Алибоев Жасурбек

Ассисент, Наманган муҳандислик-технология институти,  
Наманган, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7435664>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 13<sup>th</sup> December 2022

Online: 14<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

*Даромад, харажат, фойда, зарар, молиявий натижа, тайёр маҳсулот, маҳсулот реализацияси, маҳсулот таннархи.*

### ABSTRACT

*Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад ва харажатларини шакллантиришнинг назарий асослари ва меъёрий тартиби келтирилган бўлиб, якуний молиявий натижани шакллантиришда соф фойдани тўғри ҳисоблаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва такдим этишнинг концептуал асосига кўра молиявий натижалар хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятнинг пировард иқтисодий якунидир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобот давридаги фаолияти молиявий натижаларни аниқлаш билан яқунланади.

Фойда ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топади, аммо у маҳсулотларни сотишдан кейин аниқ бўлади. Фойда ҳар бир сотилган маҳсулот бўйича аниқланади ва бунинг учун уларни ҳар бири бўйича соф тушумдан уларни ишлаб чиқариш таннархи ажратилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир етиштирилган маҳсулот бўйича фойда хажмини оширишни таъминлаш долзарб масала ҳисобланади.

Хўжаликларни фойда билан фаолият кўрсатиши нафакат хўжалик иқтисодиётини мустаҳкам бўлишини –

хўжаликни мустаҳкам молиявий ҳолатга эга бўлиши, ходимлар фаровонлигини ошириши балки уни солиқлар ва бошқа тушумлардаги хиссасини ошириши туфайли мамлакат миллий маҳсулотига қўшган хиссасини ошиб боришини ҳам таъминлайди.

Маълумки, молиявий натижа фақат бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида аниқланади. Молиявий натижаларни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида аниқлаш маълум тарихга эга бўлиб ўрта асрларда (Кузнецова Ю.Н.) даромад фақат кемаларни саёхатдан кайтиб келгандагина аниқланган, фойдани оралик ҳисоби бўлмаган. XIV асрга келиб савдогарлар оралик даромадларни ҳисоблашни талаб қила бошлади. 1600 йилдан бошлаб фойдадан дивидендлар тўлана бошланди ва айнан шу даврдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби фойдани аниқлаш воситаси деб тан олинган. Шу вақтларда



бухгалтерия ҳисобида молиявий натижани аниқлаш учун касса счёти, капитал ва бошқа счётлардан фойдаланилган.

Фойдани товарни сотиш билан боғлиқ эканлигини пайкаган француз олими И.С. Кине биринчи марта 1817 йилда якуний натижани аниқлаш учун реализация счётидан фойдаланишни таклиф этди ва бу фикрни россиялик А.М. Вольф (1854-1920 йиллар) давом эттирди. Шу даврдан эътиборан хўжаликларни молиявий натижалари бухгалтерия ҳисобининг «реализация» ва бошқа счётлари оркали аниқлаш кабул килинган.

Шунинг билан бирга немес олими Э. Шваленбах фойдани аниқлаш бўйича бухгалтерия ҳисоби методологиясини маълум даврларда ўзгартириб туришини ҳисобга олиб уни аниқланиши шартлидир дейди. Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир даврнинг талабларидан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унинг маълумотлари асосида молиявий натижани аниқлаш тегишли хусусиятларга эга.

Молиявий натижаларни аниқлаш ҳамда шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54- сонли «Маҳсулотлар (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотилиши бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га биноан хўжаликларда фойданинг қуйидаги турлари аниқланади:

**Маҳсулот сотишдан ялпи фойда:**  
**ЯФ = ССТ – ИТ**

Бунда:

**ССТ** – сотишдан олинган соф тушум;

**ИТ** – сотилган Маҳсулотни ишлаб чиқариш таннари.

**Асосий фаолиятдан фойда: АФФ = ЯФ – ДХ + БД – БЗ**

Бунда:

**ДХ** – давр харажати;

**БД** – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

**БЗ** – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

**Умумхўжалик фаолиятидан фойда:**  
**УФ = АФФ + МД – МХ**

Бунда:

**МД** – молиявий фаолиятдан олинган даромад;

**МХ** – молиявий фаолият харажатлари.

**Солиқ тўлангунгача бўлган фойда:**  
**СТФ = УФ + ФП – ФЗ**

Бунда:

**ФП** – фавкулотда вазиятлардан фойда;

**ФЗ** – фавкулотда вазиятлардан зарар.

**Соф фойда: СФ = ССТ – ДС – БС**

Бунда:

**ДС** – даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

**БС** – бошқа солиқлар ва туловлар.

Молиявий натижалар бевосита шу номдаги молиявий ҳисоботнинг 2-шаклида шакллантирилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот мулкчилик шаклларида катъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилади.

Ушбу ҳисобот (2-шакл)ни тулдиришда асосий ахборот манбалари бўлиб у бўйича амалдаги тартиб коидалар ва меъёрий ҳужжатлар, 9000, 9100, 9300, 9410, 9420, 9430, 9440, 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560, 9590, 9610, 9620, 9630, 9710, 9720, 9810, 9820, 9910 ҳамда молиявий натижалар ҳисобига



тегишли бошқа счётлар маълумотлари ҳисобланади.

Молиявий натижаларга таъсир этувчи омиллар турли хил шаклда намоён бўлади. Хўжаликларнинг молиявий натижаларига таъсир этувчи омилларни нафақат аудитор томонидан балки хўжалик раҳбари ва бошқа масъул ходимлар, мутахассислар томонидан ҳам доимий равишда назорат ва таҳлил қилинади.

Хулоса қилиб айтганда корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини тўғри йўлга қўйиш асосида фойдани шакллантириш ва бунинг учун транзит счётлардан фойдаланган ҳолда керакли бўлган маълумотларни оператив равишда бошқарув ходимларига етказиб бериш ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири деб ҳисоблайман ва қуйидаги таклифларни бераман;

- молиявий натижаларни шакллантириш ва умуман бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда БЭМ дастурларидан самарали фойдаланиш;
- молиявий натижаларни тўғри юритилишини таъминлаш мақсадида аудиторлик хизматларидан оқилона фойдаланиш;
- бухгалтерия ходимларини малакасини ошириш учун турли хилдаги ўқув-услубий ишларни ташкил этиш;
- молиявий натижалар ҳаққоний акс этиши учун, корхона ва ташкилотларда ҳисобдор шахслар томонидан топшириладиган ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этилишига эришиш;  
харажат ва даромадларни акс эттиришда тегишли БХМС ва низомларда белгиланган кўрсатмаларга қатъий риоя этиш ва хоказо.

## References:

1. Б.Хасанов, З.Ғаниев, Д.Мухаммедова «Управленческий учёт». - Т.: «Экономика-финансы» - 2018.
2. А.Каримов, Ж.Курбанбаев, С.Жуманазаров «Бухгалтерский учёт». Ташкент «Экономика-финансы» 2019.
3. Ageeva O. A. International financial reporting standards. Theory and practice. Moscow: yurayt, 2016. - 448s.
4. Ibragimov A. K., Sugurbaev B. B. Budget control and audit: textbook.stipend/ UN development program; Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan. Training center. - Т.: publishing house " infoCOM.UZ", 2010. -192 с.
5. Mazurenko A. A. Foreign accounting and audit. Moscow: KnoRus, 2015. 234 p.